

Гарчи инсон дунёни обод қилиш борасида эзгулик учун шу давргаче нимаякини қилган бўлса, барчаси тафаккур самарасидир. Ҳаётий воқеаларни ядрок эйтиш — тушуниш, тақдир қилиш, уларга муносабат билдириш қандай қараш ва савия мезонидан бўлса унинг натижаси самараси, оқибати шунга боғлиқдир. Натيجа, оқибат, самара эса бутун бир жамиятнинг тақдирини белгилайди, ҳал қилади, жаҳондаги ўрнини тайин этади.

Саволлар ўта мураккаб ва аниқ. Унга тула жавоб бериш ҳам оғир ва масъулиятлиқдир. Бинобарин, бугунги ҳаётимизда кечираётган ҳар бир кунимизда саволларнинг жавобига эҳтиёс сезамиз. Истиклолимиз олдимизга қўйиб келаётган ҳар бир масаланинг энг самарали ечимини топиш учун иложи борица кўпроқ фидойиларни сафларини ҳамма соҳаларда кенгайтиришимизни талаб этмоқда. Аини шулар бизнинг таянч ва ишонч кучларимизни ташкил этади. Жамиятнинг тақдир — шулар қўлидадир... Савол тугилад: кўш, бундай кучларни қайқдан оламиз ва қандай етиштирамиз? Буларга манбаё борми? Бундай манбаёни ва уларни қандай етиштириш йўллариини юртобшимиз бир эмас, бир неча бор чиқиларида, суҳбатларида, илмий-назарий асарларида кўрсатиб берганлар. Мана бу фикрларга бир эътибор қўлайлик:

«Тарих миллатнинг ҳақиқий тарбиячиси айланб бормоқда. Буюк аждодларимизнинг ишлари ва жасоратлари тарихий хотирамизни жонлантириб, янги фуқаролик онгини шакллантирмоқда. Ахлоқий тарбия ва ибрат манбаёга айланмоқда... Ўзбек олимларининг куч-гайратлари билан тарихимизнинг кўндал кўп муҳим саҳифалари, энг аввало, теуурийлар даври, XIX аср охири — XX аср бошлари тарихи янгидан кашф этилди...»

Ўзбеклар орасида «Емон этмай яхши йўк» деган бир оддий мақол бор. Сиртдан жўнгина кўринган бу ибора тағи гоёт теран фалсафий мантэк касб этади. Ҳаёт ҳақида яхшилик билан ёмонлик, эзгулик, ёвузлик, хиёнат билан фидойиликларнинг курашлари, қоршмаларида ташкил топган ва булардаги зиддиятлар турли тарихий давлрлар тақозоси билан юзага келган ваэинтларда турли шаклларда давом этади. Яъни мазукур ҳаётий курашлар асло йўқолмайди, фақат шаклларини ўзгартириб туради, давом этаверади. Инсонларнинг барча табақалари, айниқса, зибёли қатламга мансублари — мазукур жараёнда ўзлгини шундай шаклшамойилларда намён қилидларки, гоҳо фидойилар айни хиёнаткорлардан хабр кўрадлар. Бунни ҳамма очик пайкайди, ҳатто кўриб туради, аммо баэиларини юридик жиҳатдан ҳеч қўлга тушириб бўлмайди. Бу нима дегани? Қизик: хиёнаткор бўлса-ю айбини бўлинига қўйиб бўлмаса? Ҳа, ҳамма бало шунда! Зеро дунё-дунё бўлгандан буюн давлатни бошқариш, халқ оммасига етакчилик қилиш ҳақида озмунча қонунлар ёзилмагандир. Лекин барибир ҳаётнинг бутун бор-йўгини ўз ичига тула оладиган қонунни ҳали ҳеч ким яратган эмас ва яратолмас ҳам керак. Чунки ҳаёт худди коинот сингари чексиз-чегарасиз, воқеалар, ҳодисаларнинг рўй берганларидан ҳали рўй бермаганлари кўпроқдир. Уларнинг қандай кечилишини олдиндан қоллига соладиган куч-фақат улуг тағридан бошқа қудрат йўқдир... Биргина ўша КПССгина жаҳонда худо йўқ, дин йўқ, одамларни тенглаштирамиз, зиддиятларни йўқотамиз деган сафсаталар ҳақида жар солиб ўзларига қарашли барча худудларни ҳаробага олиб келди. Мана етти-саккиз йилдирки, қўллаб уларга эргашган давлатлар ҳар жиҳатдан бўҳронга учраб, бу дахшати гирдобдан чиқа олмай фарёд чекадилар...

Энди юқоридаги мақолга оид мулоҳазани давом эттирамиз: Истиклолимиз даврида янгидан вуқудга келтирилган автовозавдон тортиб, нефтьгазга оид йилрик ишоотлар, ёқилиш ва дои мустикаллигига эришиш бобидаги ишлар, савдо-сотик тизими, тадбиркорларга, халқ миллий хунармандчиликлардан тортиб, тарихда ўтган буюк даҳоларимиз қадриятларини тиклаш борасидаги жаҳоншумул амалларимиз ҳақида ахборот воситалари ҳар кўни маълумот бериб турибди. Шу жиҳатдан ЮНЕСКОнинг 155-сессиясининг Тошкентда қачирилиши — бу сиртдан кўрингандек оддий ҳодиса эмас. Миллий қадриятларни тиклаш борасида қани айтингни, қайси бир атрофимиздаги давлат бизчилик иш қилди? Ҳозир бизнинг бу борадаги фаолиятларимизни жаҳондаги барча ривожланган давлатларнинг раҳбарлари очик тан олганларини ахборот воситаларида бемалол айтиб турибдилар... Булар кўз ўнгимизда, ҳаммамизнинг ҳуволигимизда рўй бераётган воқеалар... Бирок, минг афсус билан таъкидлаймики, айрим раҳбар ҳодимлар ўзларига билдирилган ишончини, беришган ҳуқуқ ва ваколатларини, халқимиз, Ватанимиз олдидаги энг оддий ва ўта муҳим фуқаролик бурчларини унутиб ёки йўқотиб, жиғилдон балосига, айни заминда келиб чиқадиган амалпарастлик ҳасталигига гириштор бўлиб, ўз халқи, давлати, Ватани мол-мулкларини талон-торож қила бошладилар... Бундай салбий ишларини улар гуруҳ-бозулик, маҳаллийчилик, қариндош-уруғчилик ва ошна-огайинчилик сингари ўзбекнинг энг яхши ниятлар замининда равожланган миллий урф-одатларини фақат ўз манфаатларига бўйсундириб, суистеъмол қилдилар, бўздилар, ёрдилар, яхшиликни ёмонликка айлантириб юбордилар... Ўйлаб қаранг, қариндош-уруғлар билан борди-келди қилиш гарчи барча миллатларда бўлсада, Марказий Осиёнинг асли аҳоли, шу жумладан, ўзбекларда қи сингари кенг тарқалган эмас. Яхши ошна-огайинлар билан бегараз, самимий алоқада бўлиш, кези келганда маслаҳат ёки бир пиёла чай, тўкин дастурхон атрофида кўнгилдан суҳбатлашиб, ашула, мусикалар эшитиб, хазил-хузуллар, пайрору асқиллар айтишиб ўтиришга нима етсин?! Бирок, ҳар бир ҳаётий ва энг яхши, энг ёқимли, кишига шавқ-заъқ берадиган, ақли ақл, билимга-билим ёки қалбидagi олий ниятларига етишди қўмақлашадиган анжуманлардан фақат шахс

сий манфаатини қўзлаб фойдаланиш бизнинг назаримизда энг пасткашлик бўлса керак...

Юртобшимизнинг дастлаб Қашқадарёдаги воқеалар муносабати билан кўрган тадбир-чоралари ва ундаги чиқишлари, бутун республика аҳолисини, барча табақага мансуб фуқароларни ларзага солса-ю, шундан сал ўтмай Самарқанд ва Навоий вилоятларида ундан баттароқ аҳоиларни юзага келтирган ҳоқимлар бундан бирор хулоса қилолмаган бўлсалар?! Шунча гапдан кейин айтилган камчиликларни тақдорлашга журъат этган амалдорларга қандай баҳо бериш керак десангиз, бу саволга уларнинг савиялари қандай заминда шакллнган, дунёқарашларини нима деб аташ керак деб бу саволни ўзингизга қайтарар эдик!.. Бутун бошли вилоят аҳолиси тақдир шуларга ишониб топширилган бўлса-ю булар қатта даромад, қатор ҳашаматли уйлар қуриб олиш билан машғул бўлсалар?! Улар шу ишларини ўйлаб юрганларида, Имом ал-Бухорий ёдгорликлари учун келтирилган қурилиш материалларини ўзлари ўз уйларига ташиб кетишса-да, ҳеч қимдан тап тортмасалар, на худудан қўқмай, на бандадан уялмай, гуноҳи азимга ботаётган бир вазиятда вилоят ёки республикамиз тақдирини ўйлашга мияларида жой қолармиди?! Етти уқлаб тушларига келмаган халқ тақдир оқибат натижада уларни шармандалика олиб келиши мукаррар эди, бу ҳаётий ҳуқи, тарихнинг қонунияти эди-ку?! Наҳотки энг оддий ҳаётий қонунлардан олий юридик дипломага, шу орқали қатта амалларга эришган қимсалар бунни билмасалар? Мана булар — инсонда дастлаб фидойилик йўқлигидан келиб чиқади. Фидойилик эса йймон ва эътиқод замининда пайдо бўлади, шаклланади, ривожланади, низоҳат инсонни — шахс даражасига олиб боради. Зеро ҳар бир инсон шахс бўлмайди, инсоннинг шахс бўлишига етиши — унинг энг яхши орзуларидан бири бўлмоғи лозим. Аммо ҳар бир шахс — аввало энг юксак инсоний фазилатларни ўзида мужассам этиши билангина бошқаларга ибрат бўлади, эргаштиради, чинакам оғу-эътиборга эга бўлади... Бу ўзи алоҳида мавзу сифатида ёзилиши керак бўлган соҳадир... Ҳозир шахс ва

қолдиради, ўз ичидан чиққан хоинлар ажнобиларга ялтоқлик қилиб, ёввойи даромад олиш пайига тушади, фуқарони турли-туман гуруҳларга бўлиниб, бир-бирига қарши курашларга сургаб боради... Бу эса — ҳаробалика юз тутишини, таназзулни мукаррар қилиб қўяди... «Утган қунарлар», «Меҳробдан чаён», «Хинд ихтилолчилари», «Бебил» («Бир мажлисда»), «Форс шоири — Умар Ҳайём» сингари тарихий мавзулардаги бадий асарларда биз бу воқеаларнинг аниқ манзараларини кўраимиз. Буюк ёзувчиларимиз ўтмишда таърифкашлик, гуруҳбозликка юз тутган эл-юрт бошига қандай фалокатлар тушганини келажак аэлолларга ибрат бўлишини қўзлаб ёзганлар... Гарчи биз номларини тилга олган асарларнинг чоп этилганига салкам бир асра тулган бўлса-да, ҳамон ўз тарбиявий аҳамиятини йўқотмагани аниқ. Жумладан, айрим вилоят ва шаҳарлар раҳбарлари фаолиятида ўз берган воқеа-ҳодисаларнинг ушбу асарларда кўтарилган муаммолар билан нақадар ҳамоҳанглигини ҳеч инкор этиб бўлмайди... Булар фақат миллий маънавият эмас, аллақачон умуминсоний қадриятларга айланиб кетган ҳазиналардир... Фитрат ўзбек ёшларига атаб ёзган «Ўғут» шеърнда бундай дейди:

Оғир йигит! Сенинг гўзал нурли кўзингда
Бу миллатнинг саодатин, бахтин
Ўқидим.
Ўйлашинг-да, туришинг-да, ҳамда
Ўзинг-да,
Бу юрт учун қутулишининг борлигин
Кўрдим.
Турма, югур, тинма, тириш,
Чуқилма, юксал!
Хурма, кириш, қўқма, ёпиш,
Юрма, қўзғол!
Эл йўлини тўсиб турган эски
Бутиларни
Ёндириб қўй, йиртиб ташла,
Барчасин йўқ эт!
Қила олмасанг шу ишларни
Сенинг учун хўрликдир бу..
Йиқил, йўқол, кет!

Шеърнинг мазмунини, мақсади жуда аниқ ва қалбларга ўт ёқадиган бир ҳарорат билан ифодалаган. Зеро Фитратнинг ўзи эл-юртига шу қадар фидойи эдики, бутун умрини халқи саодати учун курашга сафарбар қилган эди. Ҳар бир ёшдан шунини талаб қилди, Ватани, халқи келажигини, бахт-саодатини таъминлаш — ана шу фидойи ёшлар қўлидалигини изчил уқдиради. Ҳатто юрт бахти учун курашга ярамаганларни очикдан-очик рад этади, қоралайди... 20-йилларнинг ўртасида қизиллар юртимизни қонга ботириб, ҳаммаёқни қора булутларга кўмиб юборган бир вазиятда ана шу булутларни йиртиб ташлаш — юртни озод қилиш — ўз ёшларимизнинг му-

ҲАЙКАЛТАРОШ СОВФАСИ

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, ҳайкалтарош Дамир Рўзиев янги яратган асарлари билан санъатшунослик илмий-тадкикот институтига тез-тез келиб туради.

Ҳайкалтарош Д. Рўзиев истеъдодли тасвир устаси сифатида томошабинга яхши таниш. Ижоди деярли миллий

маданиятимиз раванкига бағишланганлигини сезиш мумкин. Бу фикримизни Ўзбекистон Давлат санъат музейи залларида намоиш этилаётган «Созандалар», «Халқ ҳофизлари», «Бибиҳоним маҳити», «Сайрамлик қиз», «Хумо қуши» каби ўнлаб ҳайкалтарошлик асарлари тасдиқлаб турибди. Қуни кеча санъатшунослик институтда очилган икки алома Имом ал-Бухорий ва Аҳ-

мад ал-Фаргонийларнинг 1225, 1200 йил тўлишига бағишланган қатта кўргазма бошлангичида «Ўзбек мутафаккири» ҳайкалининг қўйилиши унинг истеъдоди анча етук эканлигидан дарак берибди.

Дамир Рўзиев санъатшунослик институтига «Катта ашула» деб аталмиш, қуйдирилган лой (террапета)да акс эттирган ҳайкалчасини соғва этганди. Ҳайкалтарошнинг бу соғваси институтнинг «Тасвирий санъат» бўлимига топширилди.

Маҳмуд АХМЕДОВ.



Ҳамкорлик

ЗИЁ МАСКАНИ

Мустақил Республикамиз билан қўллаб ҳорижий давлатлар ўртасида, жумладан Германия билан барча соҳаларда, хусусан, маданий-маърифий алоқалар ҳам йилдан йилга ривожланиб бораётиб. Республика таълим илмий маркази қошида немис ўқув зали бир неча йилдан бери фаолият кўрсатиб келаётганлиги фикримизнинг далилидир.

Ушбу зиё маскани Германия таълим федерал вазирлиги ҳаида Германиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси ташаббуси би-

лан пойтахтимизда 1995 йилнинг апрель ойида очилди. Ўқув зали ихтиёрида мўъжазгина кутубхона ҳам бўлиб, унда бугунги кунда 5 мингдан

зиё китоблар бор. Бадий, илмий-оммабоп, техникавий, тарихий, иқтисодий ва бошқа мавзулардаги мазукур адабиётлардан ташқари, Германияда чоп этиладиган даврий нашрлар, турли газета-журналлар, қўлланмалардан ҳам фойдаланиш мумкин.

— Мижозларимиз, асосан, немис тилини ўрганаётган талабалар, мактаб ўқувчилари ва турли ёшдаги зиёилардир, — дейди биз билан суҳбатда немис ўқув зали мудариси Хелга Мария Айбл хоним. — Бу ерда улар ўзларини қизиқтирган адабиёт ва қўлланмалар билан танишиб, улардан бемалол фойдаланишлари мумкин. Ўқув залимизда, шунингдек, турли конференциялар, учрашувлар ҳам ўтказиб борилади. Ўзбекистон билан Германия, ўзбек ва немис халқлари ўртасидаги дўстлик, ҳамкорлик алоқаларининг янада мустаҳкамланиб боришида бизнинг ҳам камтарона ҳиссамиз борлигидан фарҳанамиз.

Мирзаали АКБАРОВ.
СУРАТЛАРДА: Хелга Мария Айбл хоним; ўқув залида.

Солиҳ Зоир
олган суратлар.

Юртимизда «Умид» номи билан иктидорли ёшларни моддий ва маънавий томондан чет элда таълим олишларини таъминловчи жамғарма мавжуд. Бу жамғарма мана икки йилдирки, таҳсинга сазовор ишлари билан ёшлар ўртасида эътибор қозониб келмоқда. Жамғармагаги ишлар хусусида директор ўринбосари Ботир Убайдуллаев қуйидагиларни гапириб берди:

— «Умид» жамғармализ Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан 1997 йил январь ойида ташкил топган. Жамғармаимизнинг асосий мақсади Ўзбекистон йигит-қизлари орасида энг иқтидорли, таланти ёшларни танлаб олиб, дунёнинг энг ривожланган мамлакатларининг нуфузли олий ўқув юртларига билим олиш учун юбориш, юртимиз келажигини мустаҳкамлашда халқ ҳўхалигининг тармоқларини юқори даражага кўтариш мақсадида, хорж мамлакатлардаги дунё ҳаракати ўзбек тафаккурига тўғри келадиган томонларини қамраб олиб, маънавий томонларини юксак кўтариш эзгу мақсадимиздир. Утган йили жамғарманинг танлов синовларидан 1800 нафар ёшларимиздан 157 таси Америка Штатлари, Буюк Британия, Германия, Франция, Япония каби давлатларнинг олий ўқув юртлари 20 дан ортик мутахассисликлар буйича таълим олиш учун бакалаврият ва магистратура ўқув синовларига юборилди. Мана шу ишларимизни бу йил ҳам давом эттириб, иккинчи танлов синовларимиз натижаси буйича, юбори-

олишмоқда. Етти нафар ёшларимиз эса Италиянинг дорифундуларига қилиб тахсил олишни бошлаб юборишди. Ўйлайманки, бу йигит-қизларимиз бир-икки йилдан кейин олган билим тажрибаларини ўзида пайдо бўлган янги фикрлар билан қайтиб келиб Ўзбекистоннинг барча вилоятларидаги халқ ҳўхалигининг тармоқларида хизмат қилишиб, иш жойларида таъдиқ етишади.

Бу — эртанги кунимизни яхшилашга, халқимизнинг ҳаётини янада юқориқоқ даражага кўтаришга, бош-

Жамғармалар

«УМИД»НИНГ УМИДБАХШ ФАОЛИЯТИ

йигит-қизларимизни шу олий ўқув юртларига юборди. Бу йигит-қизларимиз чет эл олий ўқув юртларида иқтисод, ҳўқуқшунослик, информатика-компьютерлаштириш, табиий фанлар буйича, кишлоқ ҳўхалиги мутахассислари, санъат ва муҳандислик мутахассисликлари буйича турли билимларни олиб келиш учун юборилган. Уларнинг орасида ҳар хил табақадаги инсонларнинг фарзандлари бор. Улар кишлоқ жойларидagi оддий инсонларнинг фарзандлари, зиёилардан келиб чиққан оилаларнинг фарзандларидир.

Бугунги кунда улар АҚШ да 70 дан, Буюк Британияда 50 дан ортик олий ўқув юртларида тахсил

қа ёшларни эса шу ёшларимизга қараб қизиқишини уйғотишга қўйилган қадимдир. Бу нарсаларнинг амалга оширилиши ҳукуматимизни келгусига қараб қўйган муҳим қадамларидан бири десак ҳам муболага бўлмайди.

— Ботир ака, «Умид»нинг ҳамкорлик, чет эл муассасалари билан умидбахш алоқалари ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Биз АҚШ олий ўқув юртларига юбориш масалалари буйича АКСЕЛ-ташкилот билан, Буюк Британия олий ўқув юртларига юбориш масалалари буйича эса Британия Кенгаши таъкилот билан, Германия университетларига юборишни Академик

Ривоятлар

ДАРРОВ ТУЗАПАДИ

Бир ҳасис одам қаттиқ касал бўлиб қолибди. Лекин шунча доридармон беришса ҳам унга қор қилмабди. У ҳеч терламабди. Қариндошлари нима қилишини билмай охири ҳақимга мурожаат қилишбди:

— Шунда ҳақим: — Унинг олдида ёғли қатлама енглр. Бунни қўриб, ҳеч қандай дорисиз, дарҳол терлайди, — деб маслаҳат берибди.

ОПАНИ ОПАН

Бир содда кишига қўчада болалар тош отишбди. Болалар қўчибди ва содда уларни қўлаб ета олмабди. Шу пайт рўпарасидан ёш боласини кўтариб келатган бир аёл қичиб қолибди. У киши ҳеч нараса демай, шартта аёлнинг қўлидан боласини тортди олибди-да, кетиға ура бошлабди.

Аёлнинг жаҳли қичиб боласини тортди олибди ва:

— Хой, ноинсоф киши, норасида гўдакни неға урасан, унинг гуноҳи нима? — деб ўшқирибди.

— Эй, бефаҳм аёл, наҳотки тушунмасанг? Бу ҳам қатта бўлса анов менга тош отган акаларидан ҳам беш баттар бўлиши мумкин-да. Мана шунинг олдини олаёлман, — дебди содда.

УЛАР — УТА ОДОБЛИ

Бир саҳий одамнинг қариндош-уруғлари унинг иши юришиб қолса, ҳақиша униқиди ҳозир узири бўлишар экан. Бир кун саҳийнинг хотини шундай дебди:

— Сенинг ака-укаларинга ўхшаган қондорларни сира кўрганам йўқ. Ишини юришган чоғда кечая кундуз шу ерда бўлиб безор қилишади, ишини сал юришмай қолди — қорасини ҳам кўрсатишмайди.

Саҳий киши эса ҳозиржавоблик билан шундай жавоб қайтарибди:

— Бу қариндошларимнинг ўта одоби эканлигидан далолат эмасми? Улар ишим юришмай қолган вақтларда менга ортиқча ташвиш орттиришни исташмайди.

КИМГА ҚАНАҚА?

Бир одам бозорда пулини йўқотиб қўйибди ва тўпналиб турган одамларга қараб:

— Шу бугунги кундан машум кун йўқ, — деб ҳасрат қилибди.

Одамлар ичида турган ўғри эса секингина жуфтани ростилар экан: «Ҳамма учун эмас», — дебди секингина.

Дилноза ФИЕС қизи
тайёрлади.

таълим олиш буйича ваколатхонаси билан, Франциянинг «Кнус» деб номланган ташкилоти билан ҳамкорлик қилаётимиз. Япония ва Италия элчихоналари бизнинг ишларимизга ҳайрхоқ бўлиб келишмоқда. Мана шундай ҳамкорлар билан ишлаганимиз учун икки йилдан бери юқорида айтганимиздек 500 га яқин ёшларимиз хорижий давлатларда ўқиш имкониятига эга бўлишпти. Бугунги кунда диёримиз бозор иқтисодиётига ўтиш даврини кечаетган бир пайтда ҳўқуқимиз томонидан ёшларга бунчалик эътибор берилиши мақтовга сазовор иш демакдир.

Бундай эътиборнинг қадрига етаётган ёшларимиз ҳақида ҳам илиқ сўзлар айтишим мумкин. Масалан, ўтган йили АҚШга юборилган 99 нафар йигит-қизларимиз Америка олий ўқув юртларида тахсил олаётган барча чет эллик талабалар орасида, ҳаттоки, Америка Қўшма Штатлари фуқароси бўлган талабалардан ошиб, билим даражаси буйича биринчи ўринни эгаллашди. Бу эса бизнинг қонимизда ҳақиқатда ўзбекона билимдонлик қиммати борлигидан дарак берганидир. Бу тарихнинг қайталангани, яъни эртаиндин ёшларимиз орасидан янги Улуғбеклар, янги Ибн Синолар етишиб чиқшидан далолатдир.

Фатхулла ХИКМАТОВ
суҳбатлашди.

Юртга фидойилар керак

Фидойилик — НИМА ЎЗИ?


1. Фидойилик деганда қандай ҳаёлга борамиз?
2. Бунни ким қандай тушунади?
3. Асли фидойиликнинг туб белгилари борми? Бўлса у қандай намён бўлади?
4. Оғиздаги фидойилик билан амалдаги фидойиликни ким билмайди? Бунни ажратиш олиш учун расмий қонунлардан кўра маънавий қонунятлар кўп. Бунни қандай изоҳлаш мумкин ва ҳоказо...

инсон ҳақидаги фикримизни шу ерда тўхтатиб, яна асосий мақсадга ўтамиз... Гап яна ўша фидойилик ва уни ким қандай тушуниши ҳақида. Қизик, фидойиликнинг асли таърифи борми-йўқми? Фикримизда бир аниқ ҳақиқат бор! **Фидойилик — бу йймон ва аввало миллий, бинобарин, умуминсоний эътиқод, яъни, инсоф, виждон, демак, дастлаб бегараз тўғрилиқ ва тўғри яшашга интилиш. Ёмонликка нафрат, яхшиликка мойиллик. Хиёнатга бегарқ қарамаслик, иложи борица унга қарши жасорат билан курашиш. Эзгуликни қўллаб-қувватлаш. Ундан шахсий манфаат қўзламаслик. Яна, фидойилик — ўз оиласига, бола-чақаларига ғамхўрлик қилиш, уни бировлар ҳисобидан эмас, ўз меҳнати билан таъминлашга интилиш. Ватан, халқ манфаатини ўз манфаати билан уйғунлигини идрок этиш.** Зеро, бирор билар, бирор билмас — жаҳонда ҳаётдан узилган бирор манфаат йўқ. Ҳаммаси бир-бири билан ё кўринган, ё аширинган ҳолда боғланган. Демокчимиз, ҳеч бир инсон, ҳеч бир давлат ва халқ ҳаётий муҳим воқеа-ҳодисаларга келганда бу бизнинг ёки меннинг ички ёки шахсий ишим деб айта олмайдми. Баззилар айтади лекин бунни тағзаминига тушулмаганларгина айтади. Аслида қатта маънадаги Ер юзюнда яшайдиган инсонгина эмас, ҳайвонот олами, ўсимлик, ер ости-устки бойлиги — ҳамма-ҳаммаси бир-бири билан шу қадар боғланганки, уни фақат етук зиёиларгина идрок этадилар, шунга қараб ўз ҳаётларини қурадилар... Буларнинг барчаси фидойилик, ясамалик, юлчулик, сунъийлик, гайритабиийлик каби тушунчалар билан мантйкий қорилиш кетади...

Энди юқорида айтилган фикр-мулоҳазаларимизнинг хулосаларини ақинлашамиз... Албатта, яна ўша фидойилик ва фидойилар ҳақида... Юртобшимиз бир неча бор чиқиларида бизга янада соғлом фикрловчи, ҳалол, ёшлардан иборат бир сиёсий таянч кераклигини таъкидладилар. Ҳўш, бундай кучлар борми бизда? Албатта бор. Узимизда таълим олиб, маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик каби хатарли иллатлардан холи — янгица дунёқарашга эга бўлган ўрта бугун тадбиркорлар билан бир қатор хорижий мамлакатларда жаҳоннинг йирик олий ўқув юртларида ўқибган юзлаб ёшларимиз орасидан энг ҳалолларини танлаб олинса — айни мудида булар эди.

Ёшларимизнинг дунёқарашларини бугунги кун руҳида шакллантиришда миллий ва маънавий қадриятларимиз жуда қатта қўмақ беради. Жумладан, буюк сиймоларимиз Бехбўдий, Фитрат, Ҷўлпон, Абдулла Қодирийларнинг бутун бадий, илмий, публицистик асарларида халқлар, миллатлар ўртасида тинч-товуқлини ўрнатиш — Туркистонда барқарорлик ва таракқиётнинг энг муҳим омилли экани гоёт зўр куч ва гайрат билан улзусиз тарғиб этилган... Қайси бир эл-юрт ўз ичида хунрезлиқни авҳ олдиқса, уни албатта бирор ажабий ҳақида оосонлик билан босиб олади. Чунки ички зиддият аввало юртни тараққиётдан

Аҳмад АЛИЕВ.



Кеча ҳамюртларимиз спортнинг тўққиз тури бўйича мусобақаларда қатнашди. Асосий умид дзюдочиларимиздан эди. Чунки гиламга чиқадиган икки полвонимиз — Фарход Тўраев ва Камол Муродов соврилли ўринларга даъвогарлардан ҳисобланарди. Аммо Япония, Жанубий Корея, Хитой каби мамлакатлар вакиллари ва майдон эгалари билан беллашув осон эмаслигини ҳам тан оломок керак.

Фарход рақиблири билан дадил курашди. Бироқ унга беҳишчи ўрин насиб этган

КАМОЛ ПОЛВОН ВАЪДАСИНИНГ УСТИДАН ЧИҚДИ

10 декабрь. (Журналистлар Сафар Остонов ва Ҳайдар Акбаров Бангкокдан хабар қилади)

Камол полвон эса анча оғир синовларга рўбарў бўлди. У биринчи учрашувда мўғлистонлик рақибини 11 сонияда кўтариб ерга урди — соф галаба! Иккинчи беллашувда Кувейт вакилини 2:1 ҳисобида енгди. Учинчи гал корейлик кучли дзюдочи билан курашди. Унда 1:1 ҳисоби қайд этилди. Ҳакамлар корейлик спортчини голиб деб топишди. Натижада ҳамюртимиз бронза медали учун курашадиган бўлди. Бунинг учун у Қозғистон вакилини енгисти шарт эди. Ҳа, шарт эди. Чунки спорт мўҳлисларининг ёдига бўлса, Осиё ўйинлари арафасида Ўзбекистон телевидениеси орқали спортнинг юлдузларига бағишланган «Ўзбекистон ифтихори» телекурсути ваимойиш этилган ва унда Камол полвон мамлакатимиз байроғини дав-

ра ўртасига олиб чиқиб, шундай деганди: — Тилагим — Осиё ўйинларида байроғимиз кўпроқ кўтарилсин, Худо хоҳласа, ўзим ҳам уни баланд кўтариш учун бутун кучимни аямайман! Ушанда у тиз чўкиб, байроғимизни ўпган эди. Бу полвоннинг қатъий аҳди, қасамеди эди. Камол полвоннинг беллашувларини кузатаётиб, унинг ана шу гапларини эсладик. Ниҳоят, полвонимиз қозғистонлик спортчини ҳам дастлабки дақиқадаёқ елкасидан ошириб ташлади — соф галаба! Полвонимизнинг эзгу орузи ушалди, у шохсўпага, байроғимиз эса юқорига кўтарилди.

Боксчиларимиздан М. Абдуллаев ҳам биринчи учрашувни галаба билан якунлади. У корейлик спортчининг 19:6 ҳисобида енгди. Ҳозир-

ча рингга чиққан уч боксчимиз (Н. Отаев, Т. Туляков — икки марта, М. Абдуллаев) галаба қозонди. Қозғистон боксчилари ҳам Осиёда кучлилардан ҳисобланарди. Лекин рингга чиққан тўрт боксчидан уч нафари мағлубиятга учради.

Спорт гимнастикаси бўйича умумжамоа мусобақалари якунланди. Қизларимиз умумжамоа ҳисобида тўртинчи ўринни эгаллашди.

Бильярдчиларимиз саралаш мусобақаларидаёқ ўйинлардан чиқиб кетди. Бунинг сабаби бор: Осиё ўйинлари дастуридаги бильярд ўйини турлари — сункерс, американа кўл бизда оммашаша бошлаганига атиги бир йил бўлган.

Футболчиларимиз ўйинларни чемпионга хос тарзда ўтказмоқда. Навбатдаги турда улар Ҳиндистон жамоасини

2:0 ҳисобида мағлуб этди. Бошқа ўйинлар натижалари қуйидагича: Япония — Кувейт 2:1, ҚХДР — Туркменистон 1:1, БАА — Жанубий Корея 1:2.

Қизлар ўртасида чим устида хоккей мусобақаларида қуйидаги натижа қайд этилди: Ўзбекистон — Хитой 1:4.

Баскетбол (эркаклар): Ўзбекистон — Эрон 78:82.

Ўйинларда қатнашаётган 42 мамлакат орасида республикамиз жамоаси ўзининг ўрнида бормоқда.

Ушбу материални таҳририятга узатаётган пайтимизда спорт гимнастикаси бўйича яқка биринчиликда ҳамюртимиз Светлана Бахриддинова таяниб сакраш бўйича кумуш медални қўлга киритди.

(ЎЗА).



ЛАЗЕР — САЛОМАТЛИКДА

Тошкент темирйўл транспорт муҳандислари институтининг физика кафедраси олимлари Ўзбекистон Фанлар академиясининг иссиқлик физикаси бўлими ҳамда 1-Тошкент Давлат тиббиёт институтининг физика кафедраси олимлари билан ҳамкорликда ишлаб ўпка калликлари даволашнинг ўзига хос технологиясини ишлаб чиқарди. Паст электр қувватига эга бўлган лазер нурилар бе-мор танасида паталогик жараёнларни йўқотишга ёрдам беради.

Шу сабабли ҳам бу технология муолажа ишларида ўзига кенг йўл топа бошлади. Тошкент темир йўл транспорт муҳандислари институтининг физика кафедрасида яқинда ўтказилган шаҳар семинари айнан шу янгиликка бағишланди. Кафедра таърибаси асосида лазер терапияси бўйича шиококорларни қайта тайёрлаш марказини очиб ҳам кўзда тутилди.

Акбар АЛИЕВ.

Жалолидин Мангубердиннинг 800 йиллиги олдидан



(Тарихий романдан парча)

(Охири. Боши олдинги сонда).

Бироздан кейин улар томонга тош ёғдириш тўхтатилди. Бу пайтларга келиб, йигитлар сафи анча сийраклашиб қолганди, лекин шунга қарамай қолганларининг ҳали ҳам руҳлари тетик, бардам эди. Яна мўғул чериклари тепаликка илгаригидан анча кўпроқ куч билан ҳужум бошлади. Хоразмликлар эса ўша-ўша аввалгидек сурбатни бир дақиқа-да, бўшастирмай ғайрат билан жанг олиб борар, душмани доғу ҳасратга, ҳайратга солганлари ҳолда қийратишда давом этардилар. Айниқса, қасоскорларга етакчилик қилган матонатли доворак Қиличбийнинг марду майдонлиги ҳатто душман ҳоконини ҳам лолу ҳайрон қолдирди. У қандай қилиб бўлса-да, ботирини тирик қўлга олишни истарди. Аммо кўп кон тўқиларди. Қиличбий бир ўзига ҳар ердан тўдалашиб ҳамла қилаётган ёғиларни кескир шамшир ила бағоят шиддаткорликда ҳаракат этгани қўйи шигиллатиб қирарди. Бу жасорати унинг бир тану бир жон елкадош жасур йигитларига чексиз ғайрат, куч-қувват бағишларди. Бу воқеаларни ўз кўзи билан кўриб турган Чингизхоннинг сабри дош беролмади. У яна паллахонларни ишга солишга бўйруқ берди, эндиги сафар қодирлардан бирига ўт кетди. Қучли эсан шамолдан аланга олган олов тезда бошқа қодирларга ҳам туташиб, шиддатли тус ола бошлади. Фидоилар чинакамга икки ўт орасида қолди.

Орадан бирмунча вақт ўтиб, жангнинг суронли овози паллахонларнинг гумбир-гумбирлари остида ҳудди узилган тордек тинди. Бироқ, тепаликнинг гарбий қисмида қуюқ бурқисган тутун ҳануз осмонга ўрларди. — У ёқда ёнган давом этарди. Ниҳоят, душман лашкарлари беҳисоб жасадлар орасидан ўтиб, яраланган Қиличбий ҳамда яна бир нечагина хоразмлик ярадор жангчилар билан Жалолидин Мангубердиннинг муаррихи ва мунйиysi Шаҳобиддин Муҳаммад ан-Несавий, яна саркарданнинг тасодифан дарёга ташланмай қолган суюкли ўғли Жамоллидинни асир олиб, Чингизхоннинг ҳузурига келтирдилар.

Ҳали қор тушмаган бўлса-да, тоғ-адирлардан эсаётган аччиқ изғирин суюк-суюқдан ўтиб кетаётганди. Несавий болани пўстини ичига олиб, бағрига маҳкам босди. Шу топда у ўзини буткул унутган, фикри ёди фақат болага қаратилган, боланинг тақдирини ўйлаб қаттиқ қайғурган, ич-ичидан изтироб чекарди:

— Осмон ҳукми эркан-да, қўзим. Не чора!.. Бундин ўзгача бўлмайдур. Фақат бардамлик, чидам даркор, менинг азиз жияргўшам! — деди чуқур дардли ҳўрсини билан Несавий: «Эшитилар-эшитилмас. У гоғтада ақли, табиат сазийлик билан бемисл қўрқамлик бахш этган гўдакнинг юз-кўзи ва пешонасидан отадай меҳрибонлик билан ўлиб қўйди». У юрагининг туб-тубидан қайнаб тошаётган аламли нидо ва кўз ёшини ташқарига чиқармасликка чандон тиришар, аллақандай дуоларни ичиди ўқир ва лекин, иложисиз бамисоли тешик шишадан томчилагандай, қўзларидан беихтиёр томчи-томчи ёш думаларди. Несавий ёшларини пўстин ёқасининг бир учига артар, қафлари билан тўхтовсиз гўдакнинг яноқларини сийпаларди. Шу топда жажжи Жамоллидин учун ҳам азиз устози, яқин туғишгани бўлиши Несавийдан ўзга биронта меҳрибон кишии қолмаганди.

— Улуг усто! — деди аста шивирлаб Жамоллидин, — биз эмди қаерга кетуримиз? Падари бузрукворим, бала-жоним, волидаларим қаердадурлар?..

Билмадим, билмадим, жоним қўлим, билмадим!.. — Несавийнинг шундоғам зўр қайғудан тугаётган юраги боланинг сўзидан баттар эзилди. — Анови қизил соқолик қол чилдур?

Боланинг бу сўзларидан муаррих Несавийнинг ўпкаси тўлиб кетди. Нафаси қисилиб, яна-да, қалби денгиздай галаёнга келди. Бироқ шундай оғир ҳолатда бўлса-да, у ўзини баэур тутишга тиришди.

— Ҳозир... ҳозир бир сўз билан айтиб бўлмайдур, менинг доно баходир шаҳзодам! — дея олди меҳри дарё Несавий яқин атрофдагилар эшитмайдиган қилиб, мулоимлик билан, уни қучоқлаган қўйи.

Қудратли ва қарқли мўғул ҳокони ўзининг энг яқин кишии, ўнг қўли бўлиши амакивачасини баходир Қорачор нўён ҳамда тилимоч билан дастлаб хоразмлик асир жангчилар олдиға келди ва уларга диққат қилиб бир-бир назар ташлади. Тилимочнинг тушунтириши бўйича у асирлар қўршовида турган доворак ҳаплаван изоботи Қиличбийга бир мўддат алоҳида эътибор билан қаради. «Булар ҳаётда ҳам учрайдургон чинакам қаҳрамон, улуг баходирлар эркан. Менинг наварларим фидоилик, жасурлик ила муҳораба қилмоқчи аслида мана шулардин ўрганишлари керак!» — дея ичидан ўтказди.

Қиличбий ва бошқа йигитлар ҳам шундоқ рўпараларида турган нафақат юзи ва қарашларидан, балки бутун вужудидан ҳам ажал ёғилиб турувчи, қизғиш барок соқоли, қари ва лекин ҳали бақувват, барзани мўғул ҳукмдорига ўзларининг жамики бор қасосли нафратлари билан қарардилар.

Чингизхон Қиличбийга қараб:

— Магар менга хизмат қилсанг, йигитларинг ҳам ўзинг бирлан бўлур ва мен сени нўёнлик мартабасинга кўтарурмен, даги менинг энг эътиборлик кишиларимдин бўлурсен. Ҳамда хамиша иззат-икромда бўлурсен, мол-дўнға эга бўлур роҳат-фароғатда яшайдурсен, — деди.

— Сен соҳибқирон эрсан-да, шунки билиб қўйилким, биз сотқинлардин эрмасмиз! Фақат мунофиқларгина ўз Ватани, халқига хиёнат қилур! Бундай ишлар бизларга ўлимдин ҳам баттардур!! — дея, жавоб қайтарди ҳоконнинг сўзига дадил ва кескин қилиб Қиличбий.

Гарчи дағал ва қўполлик билан қилинган бўлса-да, бу жавоб ҳоконга манзур бўлганди.

Чингизхон асирларига ҳўмрайиб қараб турган қийик кўз, узунқоқ юздан келган сийрак соқоли Қорачор нўёнга юзини буриб деди:

— Бўрини қўлга ўргатса бўлур, аммо бундайларни, ҳеч қачон!.. — Шундан кейин у яна қасоскорларга ёвоиларча боққан ҳолда бир мўддат жим қолгач, сўзини давом эттирди:

— Сен сарт, элингнинг муносиб фарзанди, исминг жисмингга ярашғилик ҳақиқий доворак ботир жангчи эркансиз! Йигитларинг ҳам шундай ботирлардур. Мен ҳам жангчимен ва шундай душманин тан оламен! Шул боис, буғунги зафар қучгон саодатлиқ онларда мен сенинг ва сеннинг барча йигитларининг қонлариндин ўтдим! Сизлар озождурсанлар, — деди. Унинг ёнида турган тилмоч, мўғул ҳоконининг айтганларини Қиличбий ҳамда унинг йигитлари эшитадиган тарзда айнан ўттирди.

Бироздан сўнг, ҳокон ишораси билан бир мўғул черики келиб Несавийнинг бағридан болани қўлиб олди, уни Чингизхонга рўпар қолди. Боланинг нигоҳи йўгон сарғиш юз, қизил барок соқолики баджаҳл қолға, унинг атрофида гўж бўлиб турган тумонот халойиқа тушди: «Анам айтиб бергон «яъжў-маъжў»лар шулар эркан-да», — деб маънос кўнглидан ўтказди у. Бола боқийшини гўлдай ҳеҳраси бирдан сўлгин тортиб мунгайиб қолди...

Ҳабибулла ЗАЙНИДДИН.

ТАПАБАЛАР ҲУЗУРИДА

Тошкент кимё-технология институтининг «Талабалар уйида» ўтказилган учрашувда ҳуқуқшунос олимлар — ТошДУ доценти М. Саидазимов ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси фалсафа ва ҳуқуқ институти катта илмий ходими Д. Султоновлар иштирок этишди.

Унда демократик ҳуқуқий давлат қурилиши билан боғлиқ масалалар ҳусусида, Ўзбекистон Конституциясининг халқроқ ҳуқуқ меъёрларига тўлалигича мос келиши ҳамда республикамиз фуқароларининг фаровон ҳаёт кечирिशларини таъминлаб беришида муҳим аҳамият касб этиши ҳақида фикр алмашишди.

Учрашувда ҳозирги кундаги ёшларнинг масъулияти қанчалик катта эканлиги, бунинг учун эса ҳуқуқий маданиятни юксалтириш зарурлиги эътироф этилди.

Шунингдек, учрашувда институт проректори, профессор А. Эминов, Фундаменталь фанлар факультети декани, доцент Ш. Нуруллаев ва «Ўзбекистон тарихи ва культуралогия» кафедраси ўқитувчилари талабаларни қизиқтирган саволларига жавоб беришди.

Эркин ҚОСИМОВ,

Тошкент кимё-технология институти доценти.



Суратда: ёш шашкачилар.

Равиль Альбеков сурат лавҳаси.

Турфа олам

ТЕРМОСНИ КИМ КАШФ ЭТГАН?

Термос уч кишининг заҳмлати меҳнатлари эвазига IV аср мобайнида дунёга келган.

1879 йили немис физиги Вайнхольд тажрибахонада суюқ газларни сақлаш учун икки деворли ўртаси вакуум ойнадан қилинган идишни тақлиф этган. У 1881 йили ушбу кашфиётни «Вайнхольд» шишаси» ҳақида физикавий тажрибаларни 1890 йили инглиз кимёгари Жеймс Дьюар шунинг деворларини қумушдан қилиб мукамаллаштирди. Бу иссиқликнинг девордан чиқиб кетишини янада камайтирди. Натижада «Дьюар идиши» — «Дьюар» дунёга келди.

1904 йилга келиб эса немис шишасози Бургар идишга ҳимояладиган қобик кашф этди ва қаҳва, турли суюқ овқатларни иссиқ сақлаш учун сота бошлади.

Маъпура НАБИЕВА тўплаган.

Бозор ва истеъмолчи

СИЗ «БИЗНЕС — МАЪЛУМОТНОМА»ДАН УРИН ОЛДИНГИЗМИ?

демак фирмангизнинг иши юришмоқда!

риш жуда улкан аҳамият касб этмоқда.

Фирмалар ўз савдо маркалари рекламасини жойлаштиришга интилаётган нуфузли нашрлардан бири — бу — «GRIZU CO LTD» ноширлик фирмаси томонидан чиқарилаётган «Бизнес харита» маълумотнома» ҳисобланади.

Яқинда Тошкентнинг «500 та муваффақият қозongan фирмалари» деб номланган дастлабки маълумотнома чоп этилди. Унда мулкчиликнинг барча шакллари тааллуқли бўлган ва барқарор фаолият кўрсатаётган 500 та фирмалар, улар томонидан чиқарилаётган товарлар ва қўрсатилган хизмат турлари тўғрисида тўла ва илҳам системалаштирилган маълумотлар ўрин олган.

Ҳозир маълумотноманинг биринчи жилди сотилмоқда, бироқ бугунги кунда «Тошкентнинг 2000 та муваффақият қозongan фирмалари»нинг иккинчи жилди ва унинг электрон йўналиши нашрга тайёрланмоқда.

Маълумотлар кирган. Янги маълумотнома қаттиқ муқовада, пойтахтнинг энг нуфузли фирмаларининг чироили безатилган рекламалари билан чиқди. Маълумотноманинг электрон шакли тўғрисида тўхталадиган бўлсак, у ўзида фирмалар ва ташкилотлар тўғрисидаги маълумотлар базаси билан бирлашган шахарнинг электрон картасини ифодалайди. Ундан ҳар бир хоҳлаган киши ўзига фирмалар товарлар ва хизматларига талаб ва эътиёблар тўғрисида батафсил ахборотларни олиши мумкин. Ундан жўрдоқий рекламани ҳам оддий суратлардан видеоорликларгача бўлган кенг имкониятлари ўрин олган. Буларнинг барчаси, шубҳасиз электрон маълумотномани ноёб, самарали ахборот-маълумот канали даражасига кўтарилди.

54-75-39 телефонига мурожаат қилинг.

500 ПРЕУСПЕВАЮЩИХ ФИРМ ТАШКЕНТА

БИЗНЕС ХАРТА СПРАВОЧНИК

Эта книга содержит информацию о 500 крупнейших фирмах Ташкента, их деятельности, контактных данных и т.д. Книга является незаменимым помощником для бизнеса.

Қаттиқ рақобат курашларини юз бериб турадиган бозор иқтисодиёти фирмаларининг инновация қувватини рағбатлантиради ва уларни истеъмолчи талаб қилаётган товарлар ишлаб чиқаришини ошириш ҳамда истеъмол эҳтиёжларини тушиб кетганларини чиқаришини тўхтатишга ундайди. Муайян миқоз ва ишлаб чиқарувчи ўртасидаги ўзига хос воситачи ролини бугунги кунда реклама бажармоқда.

Кейинги йилларда реклама тармоғининг ривожини бетимсол даражада деб баҳолаш мумкин. Жаҳоннинг йирик компаниялари тежамакорликни унутган ҳолда «Савдо ҳаракатлантирувчи» истеъмолчилар дидларини уларнинг техник имкониятлари билан қилиштирилган ҳолда воситачилик вазифаларини бажараётганини онгли равишда англаб етиб, у товарларнинг рекламасига миллионлаб долларни сарфламоқдалар. Товар ишлаб чиқарувчиларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан рекламанинг тўғри ташкил этили-

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

БОЛАЛАР, СИЗЛАР УЧУН! ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИ

А. Навоий номидаги Санъат саройи (Панорама) Матрофанов номидаги суе спорт саройи билан яқинда

АРЧА ТОМОШАЛАРИНИНГ ЎТКАЗАДИ

Ўқувчиларнинг қишки таътил кунларида «ЦИРҚДА АРЧА»

Янги йил эртагида қатнашадилар: цирк санъатининг барча жанрлари ва ўргатилган хайвонлар

Томошалар бошланади:

- 25 декабрдан 30 декабрга — соат 10.00, 12.00, 14.00, 16.00.
- 30 декабрда — соат 18.00.
- 31 декабрда — соат 16.00.
- 1 январдан 10 январгача — соат 18.00 да.

Цирк кассаси ҳар кун соат 10.00 дан бошлаб ишлайди. Жамоа бўлиб келиш учун бюртмалар қабул қилинмоқда.

Билетлар нақд пул тўлаш ва пул ўтказиш йўли билан сотилади. Маълумот учун телефонлар: 144-58-88, 144-18-11.

13 ДЕКАБРЬ «АЛПОМИШ» СПОРТ САРОЙИДА СОАТ 18.00

Ўзбекистон футболни ривожлантириш жағмармаси РЕСПУБЛИКА ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ «Ўзбекнаво» гастрол-концерт биришмаси ТВБ «Футболсавар санъаткорлар, санъатсавар футболчилар» деб номланган мисли қўрилмаган

ФУТБОЛ-ШОУga

таклиф этадилар

Майдонда: МИРЗАБЕК ХОЛМЕДОВ

Элга машхур «Кизикчи-қўшиқчи» ҳамда «Пахтакор» командалари беллашадилар

Ҳакамлар:

Обид Асомов, Ҳожибой Тожибоев, Болтабой Тошматов, Майдондаги табио — Тўхтамурод АЗИЗОВ

Бу беллашувда — Мухриддин Холиқов, Рашид Комилов

Шунингдек «Сарбон», «Турон» ва «Садаф» гуруҳлари иштирок этадилар.

Азиз футбол ва санъат ишқибозлари! Шошилинг, омадингизни синанг!

Кимматбаҳо совғалар ўз эгаларини кутмоқда! Чипталар «Алпомиш» ва «Халқлар дўстлиги» саройи чиптақотларидан сотилимоқда.

Жамоа бўлиб келиш учун бюртмалар қабул қилинади.

Мурожаат учун телефонлар:

34-47-71, 45-92-51, 64-84-93, 46-03-12

«ОҚШОМ»НИНГ БАРЧА ОБУНАЧИЛАРИ ВА МУШТАРИЙЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Янги йил байрами шодиёналари яқинлашаётганлиги муносабати билан «Тошкент оқшом» газетаси рекламалар ва ҳусусий эълонларни ёритишда байрамолди чегирмалар тўғрисида хабар қилади.

Келинлар, марҳамат! Биз сизларни Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 204-хонадаги манзилда кутамиз.

«МУШТУМ» ВА «АФАНДИ»

СИЗНИНГ ҲАМРОҲИНГИЗ!

Қадрли қулги ва латифа ишқибозлари! Агар хонадонингизга республикамизнинг ягона ҳажв журнали «Муштум» ҳар ойда, ягона латифалар газетаси «Афанди» — ҳар ҳафта қаҳқаҳа билан кириб келишини истасангиз кеңиктирмай ушбу нашрларга обуна бўлинг!

«Муштум» нашр индекси: ақта тартибда — 842; ташкилотлар учун — 843.

«Афанди» нашр индекси: — 590.

• Компьютерда ишлаш ўргатилади, информатикадан сабоқ берилади. Тел: 42-25-24.

«Меҳри савдо» давлат қорхонаси жамоаси КК «Булук» ЛТД Бош директори Мирқамол Султоновга Ғуломовга ва унинг оила аъзоларига волидай муҳтарамаси

Муновар ая ҒУЛОМОВНИНГ

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

